

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ
БЎЙИЧА 2015 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН**

БИЗНЕС-РЕЖАСИ



«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
(28.11.2014 й.даги К-120-сонли баённома)

Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| КИРИШ | 3 |
| ЖОРИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ИСТИҚБОЛИ | 4 |
| Макроиқтисодий тамойиллар..... | 4 |
| Ўзбекистон банк сектори | 5 |
| Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти..... | 6 |
| Банкнинг бозордаги мавқеи..... | 7 |
| БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 10 |
| Кредит фаолияти | 10 |
| Инвестиция ва эмиссия фаолияти..... | 11 |
| Банкларо ва валюта бозоридаги амалиётлар | 12 |
| Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият | 13 |
| Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар..... | 14 |
| Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш | 15 |
| БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР | 17 |
| Банк барқарорлигини ошириш ва хатарларини бошқариш чоралари..... | 17 |
| Ички назорат тизими..... | 17 |
| Ахборот технологиялари | 18 |
| Банк ходимларини камол топтириш | 19 |
| МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ | 19 |
| ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ | 21 |
| ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ | 21 |

КИРИШ

Мазкур Бизнес-режа «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банкининг 2013-2015 йилларга мўлжалланган Ривожланиш стратегиясига мувофиқ ишлаб чиқилган ва «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан 2015 йилда амалга ошириладиган тадбирларни ҳамда 2015 йил молиявий режасини ўз ичига олган.

«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда матн бўйича - банк) 2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.1997 йилдаги ПФ-1749-сонли “Хусусий тижорат банклари ташкил этилишини раҳбатлантириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ташкил этилган. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 15.08.2014 йилдаги 79-сонли ва 20.09.2014 йилдаги 69-сонли лицензиялари асосида фаолият юритади. Банкнинг Бош офиси қуйидаги манзилда жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Тараққиёт кўчаси, 2А, .

Банк Ўзбекистон Банк ассоциацияларининг ҳамда Фуқароларнинг банкларидаги омонатларинини кафолатлаш жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг аъзоси ва VISA International Халқаро ташкилотининг ассоциацияланган аъзоси ҳисобланади.

Moody’s Investors Service Халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкка Е+ молиявий барқарорлик рейтинги берилган, шунингдек миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглари глобал шкала бўйича В3/Not Prime сифатида баҳоланган. Банкнинг барча рейтинглари “Барқарор” истиқболига эга. Банк шунингдек маҳаллий “Анбор-Рейтинг” рейтинг агентлиги томонидан кредит бўйича “Барқарор” истиқболи билан берилган “uzA+” рейтингини олган.

ЖОРИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ИСТИҚБОЛИ

Макроиқтисодий тамойиллар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий дастурининг 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим ва устивор йўналишларини амалга ошириш бўйича кўрилган чоралар давом этаётган жаҳон иқтисодий инқироз шароитида мамлакатнинг иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш имкониятини берди.

Республика ялпи ички маҳсулот ҳажми 2014 йилнинг 9 ойида 8,1 фоизга ўсди (2013 йилнинг 9 ойида – 8,1 фоиз). Иқтисодий ўсишнинг ижобий динамикаси инфляциянинг паст даражасини (тахминан 7 фоиз), давлат бюджети профицитини ЯИМ нисбатан 0,1 фоиз миқдориди ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлаб берувчи макро иқтисодий мувозанат чоралари билан сақлаб турилган.

Муҳим объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шу мақсадда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати мамлакат иқтисодиётининг барча асосий секторлари ўсишини таъминлади:

Ўзбекистоннинг 2014 йил январь-сентябрь ойлари учун макроиқтисодий кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | млрд. сўм | Ўсиш суръати, 2013 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан % |
|---------------------------------------|------------------|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 100 309,5 | 108,1 |
| Саноат маҳсулоти | 54 401,3 | 108,4 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти | 28 094,5 | 106,8 |
| Асосий капиталга инвестициялар | 23 831,2 | 110,7 |
| Қурилиш ишлари | 15 034,6 | 118,9 |
| Юкларни ташиш, млн. тн | 1 099,7 | 104,9 |
| Юклар айланмаси, млн. тн.-км | 63 533,3 | 102,7 |
| Йўловчиларни ташиш, млн. киши | 5 281,5 | 104,8 |
| Йўловчилар айланмаси, млн. йўловчи-км | 72 486,7 | 105,5 |
| Чакана савдо айланмаси | 41 664,3 | 114,2 |
| Хизматлар, жами | 57 197,2 | 114,7 |

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

2015 йил Давлат Бюджетига асосан келгуси йилда иқтисодиётнинг изчил ўсиши таъминланади, иқтисодий барқарорлик, экспортнинг мувозанатланган ўсиш кўрсаткичлари сақланиб қолинади, ташқи савдонинг ижобий сальдоси ва рақобатдошлик ўсиши таъминланади. Шунингдек ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича дастурларни фаол амалга оширишни, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни давом эттириш назарда тутилган. 2015 йилда хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкларини сезиларли даражада камайтирилади. Масалан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлар учун ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 15 фоизгача, хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасидан олинган солиқнинг база ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга ва қурилиш соҳасида микрофирмалар ва

кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камаяди. Бу корхоналар тасарруфида тахминан 620 миллиард сўм қолдириш имконини беради.

2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш 6 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон банк сектори

Қулай макроиқтисодий муҳитда Ўзбекистоннинг банк тизими барқарор суръатлар билан ривожланишни давом этмоқда. Тижорат банклари иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва кичик бизнес ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлашда иштирокини кенгайтириш, банк айланмасига корхоналар ва аҳолининг пул маблағларини кенг жалб қилиш, нақд пулсиз ва карта орқали тўлов тизимини ривожлантириш, янги банк технологияларни жорий этиш, шунингдек тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш вазифалари банк секторини ривожлантиришнинг устувор аҳамиятини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги аа инвестицион фаоллигини ошириш бўйича асосий дастурий ҳужжат сифатида хизмат қилади. 2014 йилнинг 9 ойида банк сектори ривожланишининг барча асосий кўрсаткичлари бўйича барқарор ўсиш сақланиб қолди.

Ўзбекистон банк секторининг асосий кўрсаткичлари, трлн. сўмда

| Кўрсаткичлар | 2013 йил 1 октябрь | 2014 йил 1 октябрь | Ўзгариш | |
|--|-----------------------|-----------------------|-----------|---------|
| | | | млрд. сўм | ўсиш, % |
| Умумий активлар | 37,8 | 48,9 | 11,1 | 30% |
| Жами капитал | 5,3 | 6,6 | 1,3 | 25% |
| Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар | 23,1 | 30,3 | 7,2 | 31% |
| Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар | 5,6 | 7,3 | 2,1 | 30% |
| Инвестиция кредитлари | 5,4 | 6,7 | 1,3 | 25% |
| Банклардаги депозитлар | 20,5 | 26,8 | 5,3 | 30% |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

ЎзР Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2014 йилнинг 1 январидан йиллик 12 фоиздан 10 фоизга туширилди, бу эса кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкасини пасайишига олиб келди.

2014 йилда тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиботини такомиллаштириш бўйича бир қатор чоралар кўрилди. Бундай чоралардан бири кичик бизнес субъектларини миллий валютада янги кредитлаш тартиби ҳисобланади, унда бизнес тузилмаларга тадбиркорлик ривожлантиришнинг янги чақирувларига жавоб берувчи қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар тақдим қилинади. Янги қабул қилинган низомга мувофиқ кредитлаш объектлари жумласига микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари

билан бир қаторда оилавий корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам киритилган.

Натижада “Бизнес юритиш-2015” (“Doing business”) Халқаро молиявий корпорациясининг рейтингига кўра ишбилармонлик соҳасида “Кредитларни олиш” индикатори бўйича Ўзбекистон охириги йил ичида 26 та позицияга кўтарилди ва рейтингда 104-чи ўринни эгаллаб турибди.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чоралар кўрилаётган даврда банкларнинг ялпи капиталини 5,3 дан 6,6 трлн. сўмгача ёки 25 фоизга ошириш имконини берди. 2000 йилга нисбатан банкларнинг капитал базаси 46 баробардан зиёд кўпайди. Ҳозирги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,7 фоизни ташкил этмоқда, бу эса халқаро банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган (8 фоиз) талабдан 3 баробар кўпдир.

Пластик карталар ва масофадан банк хизматларини кўрсатиш бўйича банклар хизматлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. 2014 йил 1 октябр ҳолатига муомалада 12,9 млн. дан зиёд пластик карталар мавжуд, ўрнатилган терминаллар сони эса 150,9 минг донадан ошди. Банк хизмат кўрсатишнинг масофа каналларидан (интернет банкинг, смс банкинг) фойдаланувчилари сони 2014 йил 1 июль ҳолатига 312 мингга етиб, йил бошидан 18 фоизга кўпайди. Улардан интернет банкинг ва банк мижоз хизматларидан фойдаланувчилар сони 56 мингни ташкил қилди, смс банкинг ва мобил банкинг – 256 минг. Ўзбекистонда интернет банкинг ривожланганлиги тўғрисида Uzcard статистикаси бўйича баҳо бериш мумкин. 2014 йил январь-сентябрь ойлари даврида Uzcard тизимида хизматлар етказиб берувчилари ва е-дўконлари томонидан 21,4 млн.дан зиёд транзакциялар амалга оширилди. Агар 2014 йил январь ойида 750 мингдан зиёд транзакциялар амалга оширилган бўлса, сентябрь ойида эса бу рақам 4 баробардан зиёд ошди ва 3,4 млн. транзакцияни ташкил қилди.

2015 йилда Ўзбекистон банк соҳасининг жадал ривожланиш суръатлари сақланиб қолиниши, банклар капиталлашув даражаси ва уларнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиши, уларнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда ва аҳолининг фарофонлик даражаси ўсишда роли ошиши кутилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорида тасдиқланган банк тизимини янада ислоҳот қилиш ва барқарорлигини ошириш бўйича комплексли чора-тадбирларни амалга ошириш хизмат қилади.

Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти

2014 йил 5 августда «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ 5 ёшга тўлди. Ўтган 2014 йилда Банк филиаллар тармоғини янада ривожлантириш, банкнинг маҳсулотлар кўламини кенгайтириш, етакчи хорижий банклар, тўлов тизимлар ва халқаро молия институтлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга солиш, шунингдек банкнинг мамлакат ва жаҳон банк ҳамжамиятида обрў-эътиборини мустаҳкамлаш соҳаларида муҳим муваффақиятларга эришди.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ 2014 йилда «GLOBAL FINANCE» журналининг нақли бўйича Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган бозорлар банклари ичида Ўзбекистондаги энг яхши банки деб эътироф этилаётганини 2014 йилнинг энг муҳим воқеаси деб аташ мумкин.

Банк хизматини кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасидаги ютуқлари ва миллий банк кўргазмаларида ҳамда танловларида фаол иштирок этгани учун банк банк ҳамжамиятларининг ва шерик-банкларнинг дипломлари ва мукофотлари билан тақдирланди.

Банкнинг 2014 йилдаги фаолиятининг асосий воқеалари хроникаси

| | |
|-----------------------|---|
| 2014 йил январь ойи | Қарши филиали “Банкнинг энг замонавий жиҳозланган бўлинмаси” номинациясида 2013 йил якунларига кўра аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича танловнинг ғолибига айланди. |
| 2014 йил февраль ойи | Банк China UnionPay Classic халқаро пластик картасини чиқаришни бошлаб юборди. |
| 2014 йил март ойи | Банк “BANKEXPO – 2014” ҳар йиллик Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмасида иштирок этиб, “Стенддаги энг яхши ахборот таъминоти” номинациясида ғолиб деб топилди. |
| 2014 йил май ойи | Банк 2014 йилда «Global Finance» журналининг нақли бўйича Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган бозорлар банклари ичида Ўзбекистондаги энг яхши банк деб эътироф этилди. |
| 2014 йил июль ойи | Германиянинг Landesbank Berlin AG банки билан Базавий Кредит Битими имзоланди. |
| 2014 йил август ойи | Германиянинг Commerzbank AG банкidan савдо молиялаштириш соҳасида аъло даражада ҳамкорлик учун мукофот олди. |
| 2014 йил сентябрь ойи | Тошкент шаҳрида банкнинг Миробод филиали очилди. |

Банкнинг бозордаги мавқеи

2014 йилнинг 9 ойи якунларига кўра «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ банк фаолиятининг барча асосий кўрсаткичлари бўйича тижорат банкларнинг иккинчи ўнлигига кирди. Масалан, активлар миқдори бўйича банк 26 та тижорат банклари орасида 13-чи ўринни эгалади.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг бозордаги мавқеи 01.10.2014 йил ҳолатига

| Кўрсаткичлар | млн. сўмда | Банк мавқеи |
|-----------------------|-------------------|--------------------|
| Ялпи активлар | 963 017 | 13 |
| Кредит портфели (соф) | 209 498 | 16 |
| Мижозлар депозитлари | 570 334 | 12 |
| Акциядорлик капитали | 133 850 | 12 |

Банкни ривожлантиришнинг асосий устуворликларига риоя этган ҳолда, банк ўз тармоғини кенгайтиришни давом эттирди, янги банк хизматлари ва технологияларини жорий этди, миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида фаол иш олиб борди. Хусусан, ҳисобот йилида Тошкент шаҳрида Миробод туманида банкнинг филиали очилди. Ҳозирги кунда банкда 9 та минибанк ва касса шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Фаол миждозлик сиёсати натижасида банкнинг миждозлар базасини янада кенгайтиришга эришилди. Миждозларнинг банк депозитлардаги пул маблағлари қолдиғи 548 млрд. сўм ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, банк корхоналарнинг ва аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ҳамда банкнинг депозит сертификатларини сотиш ҳисобига муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича юқори натижалар қўлга киритилди. 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолтига муддатли ва омонат депозитларининг қолиғи 200 млрд. сўдан ошиб кетди, сотилган депозит сертификатларининг ҳажми 22 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ банк кредитлаш бозорида банкнинг иштирокини кенгайтириш муҳим вазифа ҳисобланади. Масалан, 2014 йилнинг ўтган даври ичида банк томонидан умумий қиймати 256 млрд. сўм кредитлар ажратилди ва 2014 йил 1 октябрь ҳолатига кредит портфелининг қолдиғи (нетто) 209 млрд. сўмни ташкил қилди, бу эса 2013 йилнинг кўрсаткичидан 35 фоизга кўпдир. Асосан миждозлар билан ишлаш, шунингдек банкнинг бошқа банклар оқидаги миждозларнинг кредит аризаларини тез ва тезкор кўриб чиқиш, кредит хатарларини сифатли баҳолаш ва миждозларнинг эҳтиёжларига индивидуал ёндашиш каби афзалликлари туфайли кредит портфелининг бундай юқори ўсишига эришиш имкони пайдо бўлди. Банкнинг чакана кредитлаш бозорида ўрнини ошириш доирасида банкнинг истеъмол кредит маҳсулотларини ривожлантириш ва кредитлаш жараёнларини оптималлаштириш бўйича чоратадбирлар таклиф қилинди.

Банкнинг барқарор ва турғун ривожланишини таъминлаш мақсадида банкнинг капитал базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолтига банкнинг ўз капитали 134 млрд. сўмни ташкил этди. Банк бошқа банклар ўртасида фақат давлат ва йирик акциядорлик банклардан орқада қолиб 12-чи ўринни эгалаб турибди.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан чакана хизматларни ривожлантириш ва банк бизнесида чакана хизматлар соҳасининг ўрнини кенгайтириш бўйича яхши натижалар қўлга киритилди. 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолтига аҳоли учун миллий валютадаги муддатли ва омонат жамғармаларининг 10

та тури, хорижий валютадаги жамғармаларнинг 5 та тури таклиф этилган. Аҳолининг банкдаги жамғармалари қолдиғи 38 млрд. сўмни ташкил этиб, тахминан 3 баробарига ошди. Жисмоний шахсларнинг халқаро пул ўтказмаларини ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда банкда халқаро пул ўтказмалари бўйича 7 тизим орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Шунингдек миллий валютадаги пластик карталари ҳамда халқаро валюта карталари билан банк операцияларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. 2014 йил бошида банк томонидан “China Union Pay” карталарни чиқариш бошлаб юборилди. Бугунги кунга келиб муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг сони 50,6 минг данадан иборат, бу соҳадаги ўсиш 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 55 фоизни ташкил этди. Карталарнинг асосий қисмини иш ҳақи лойиҳаси бўйича чиқарилган пластик карталар ташкил қилади. Ўрнатилган терминалларнинг сони 929 данадан иборат.

Банк-вакиллар тармоғини ривожлантириш соҳасида Осиё ва Европанинг етакчи банклари билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, улар қаторида Швейцариянинг UBS банки, Хитойнинг Agricultural Bank of China ва Bank of China банклари киради. Ҳисобот санасига банк томонидан 5 та маҳаллий ва 14 та хорижий банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган.

Банкнинг молиявий барқарорлигини банк фаолиятининг миллий ва халқаро шкала бўйича рейтинг баҳолари тасдиқлайди, бу борада рейтинг агентликлари томонидан мунтазам монитринг ўтказилиб турилибди. Жумладан, банк “Moody’s Investors Service” рейтинг агентлиги томонидан В3/NP/E+ глобал шакаласи бўйича “Бақарор” истиқболи билан берилган баҳони сақлаб келмоқда. Шунингдек, “Ахбор-Рестинг” РА томонидан банкка миллий шкала бўйича “uzA+” рейтинги “Бақарор” истиқболи билан берилди.

Банк фаолиятини ривожлантиришда асосий эътибор банкнинг қўлга киритилган рақобатдош мавқеини мустаҳкамлашга ва янги, ноёб рақобатдош афзалликларни яратишга қаратилади:

- мижозларга хизмат кўрсатилишининг юқори сифати, қарорларни қабул қилишда тезкорлик ва мижозлар билан мосланувчан мулоқотда бўлиш;

- ишлаб чиқариш, транспорт ва алоқа соҳасида ва иқтисодиётнинг бошқа истиқболли соҳаларда республиканинг етакчи корхоналари ва чет эл компаниялари ваколатхоналаридан иборат истиқболли корпоратив мижозлик базаси;

- активларнинг юқори сифати ва банк хатарлари устидан самарали назорат тизими;

- юқори рентабеллик кўрсаткичларида акс этиб турган банк фаолиятининг юқори самарадорлиги ва операцияон харажатларнинг паст даражаси;

- мамлакат ва халқаро банк ҳамжамиятидаги ижобий обрў-эътибори.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ бозорнинг бошқа иштирокчиларига қараганда ёш банк ҳисобланади ва банкнинг унча кўп бўлмаган фаолият кўрсатиш муддати билан асосан боғлиқ заиф томонларга эга. Хусусан, банк чекланган, лекин аста-секин кенгайиб борувчи филиал тармоғига эга бўлиб, у банк фаолиятининг сустр диверсификациясида, банкнинг кредитлаш бозорида ва таниб олиш омили асосий ўрин тутадиган банк хизмат кўрсатиш чакана сегментида сустр позицияларида намоён бўлади. Бундан ташқари, барча ички банк банк-жараёнлари тўлиқ шаклланмаган ва унификацияланмаган, бу эса кенг қўламларда

тежашни ишлатиш ва самарали ҳисобга олиш ва замонавий ахборот технологияларни жорий этиш имконини бермайди.

Банкнинг Ривожланиш стратегиясида назарда тутилган банк брендини таниб олиш даражасини ошириш, банк маҳсулотлари линиясини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш имконини анъанавий ва замонавий, масофали сотиш каналларини ривожлантириш, шунингдек бизнес-жараёнларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш йўли билан ошириш бўйича стратегик вазифаларни амалга ошириш ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда банкнинг рақобатдошлиги ўсишига ёрдам бериши керак.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кредит фаолияти

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича комплексли чора-тадбирларга мувофиқ, 2015 йилда кредит фаолиятини сифат жиҳатидан янада ривожланишини таъминлаш ва кредит портфели ҳамда унинг таркиби бўйича миқдорий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Кредит ажратиш ҳажми 2015 йилган 366,4 млрд. сўм миқдоридан режалаштирилмоқда. Кредит портфелининг қолдиғи (брутто) 2015 йилнинг охирига келиб 450 млрд. сўмни ташкил қилади. Кредит портфелининг ялпи активларга нисбати 44 фоизни ташкил қилади, бу кўрсаткич 2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 23 фоиздан иборат бўлган эди. Эҳтимолдаги зарарларга қарши заҳира қолдиғи 9,6 млрд. сўм миқдоридан режалаштирилмоқда, бу эса кредит портфели умумий ҳажмининг 2 фоизини ташкил қилади.

2015 йилнинг охирига қадар узоқ муддатли кредитлар (лизинг) портфелини 271 млрд. сўмгача кўпайтириш кўзда тутилмоқда, уларнинг кредит портфелидаги улуши 60 фоизни ташкил қилади. Узоқ муддатли инвестиция кредитлари портфели салмоғини ошириш барқарор фоиз тушумлари манбаини яратиш имконини беради.

| Кўрсаткичлар | 01.01.2016 йилга режа млн. сўм |
|--|---|
| Кредит портфелининг қолдиғи (брутто), шу жумладан | 450 667 |
| қисқа муддатли кредитлар | 179 606 |
| узоқ муддатли кредитлар | 271 060 |
| Эҳтимолдаги йўқотишлар учун заҳира | 9 658 |
| Кредит портфелининг соф қолдиғи | 441 009 |
| Эҳтимолдаги зарар заҳираси/кредит портфели, брутто | 2,1% |

Кичик ва хусусий бизнес корхоналарини кредитлаштиришни ривожлантириш доирасида 100 млн. сўмдан 500 млн. сўмгача ўрта миқдордаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича филиалларнинг фаолиятини фаоллаштириш режалаштирилмоқда. Филиалларга мижозлар бизнесининг салоҳиятли қатламларни ҳамда мижозлар бизнесининг муваффақиятли ривожланаётган йўналишларини фаол ўрганиш ва уларга кредит ажратиш бўйича

ишлар таклиф қилинади. Банкдаги кредитлаштириш жараёнини, хусусан филиалларнинг Бош офис билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш мақсадида филиалларга юридик шахсларнинг ўртача кредит лойиҳаларини филиал ва минтақанинг салоҳиятини ҳисобга олган кредитлаш юзасидан лимитлар ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз кредит ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорациясининг кредит линиялари хизмат қилади.

Банк томонидан кредит портфелининг мос равишда диверсификацияланишини таъминлаш чоралари кўрилади. Чакана кредитлашни кенгайтириш доирасида банк томонидан чакана кредитлар портфелини камида 6,5 млрд. сўмга ёки банк кредит портфели ялпи ҳажмининг 1,5 фоизи миқдориди кўпайтириш режалаштирилмоқда. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг асосий қисмини истеъмол кредитлари ташкил қилади. Чакана кредит маҳсулотларини оммавий тарзда илгари суриш мақсадида реклама акцияларини ўтказиш, корпоратив мижозларнинг меҳнат жамоаларида кредит маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар истеъмолчилари билан истеъмол кредитларини тақдим қилиш борасида музокаралар уюштириш мўлажалланмоқда.

Банк юзага келган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда кредитларнинг даромадлигининг мос даражасини таъминлашни кўзда тутмоқда.

Келгуси йили банк томонидан кредитлаш жараёнида янги банк маҳсулотларини ва технологияларини энг яхши маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Инвестиция ва эмиссия фаолияти

Банк инвестиция фаолиятини ўзининг асосий ва истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди. Келгуси йилда шуъба лизинг компаниясига инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Банк инвестиция қуйилмаларини киритган молия компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш, айниқса ушбу компаниялар томонидан янада жоизбадор бозор бўғимларининг ўзлаштирилиши долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди (масалан, аксарият лизинг компаниялар автолизинг ва микролизинг соҳасида лизинг лойиҳаларни фаол молиялаштириб келмоқда).

Банкнинг инвестицион йўналишини янада ривожлантириш мақсадида банкнинг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш, шу жумладан биринчи даражали корпоратив элементларнинг қимматли қоғозлари билан РЕПО операцияларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиш ва баҳолаш режалаштирилмоқда. Шунингдек ходимларнинг малакасини доимий равишда ошириш йўли билан ушбу йўналишда банкнинг кадрлар салоҳиятини кучайтириш мўлжалланмоқда.

Банкнинг 2014 йилда иккинчи чиқариш депозит сертификатларини умумий қиймати 30 млрд. сўм миқдорда сотиш бўйича фаол чоралар амалга оширилган. 1 ноябрь ҳолатига ушбу чиқаришни жойлаштириш муваффақиятли якунланган.

2015 йилда банкнинг депозит сертификатлари облигацияларини 100,0 млрд. сўм миқдоридида учинчи чиқаришни ва корпоратив облигацияларини 2,0 млрд. сўм миқдоридида дебют чиқаришни амалга ошириш назарда тутилган. Қарз мажбуриятли қимматли қоғозлар чиқарилиши банкка унинг қарз ресурслари манбаларини кенгайтириш ва диверсификация қилиш ва банк мижозларига ўзларининг бўш пул маблағларини фойдали муқобил жойлаштиришни таклиф қилиш имконини бериши керак.

Банкнинг капитал базасини кенгайтириш доирасида 25 млрд. сўмдан зиёд банк акцияларини 10-чи қўшимча чиқарилишини амалга ошириш ва шакллантирилган банк устав капиталини 125 млрд. сўмгача ошириш режалаштирилмоқда.

Банклараро ва валюта бозоридаги амалиётлар

Маҳаллий ва хорижий банклар билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, банклараро бозорида эришилган позицияларни сақлаб қолиш ва кенгайтириш – банк фаолиятининг устивор йўналишларидан бири.

Ҳозирги кунда банк банклараро бозорининг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Пул ва валюта бозорларида банк миллий ва чет эл валюталарда банклараро депозитларини жалб қилиш ва жойлаштириш, валюта СВОПлар бўйича операциялар, халқаро ва маҳаллий валюта биржаларда форекс битимлари ва ҳужжатли операцияларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг барча банклари билан ҳамкорлик яхшиланиб бормоқда, шунингдек ишончлилиги ҳамда нуфузи юқори маҳаллий банк-контрагентлар билан банклараро бозорда пул маблағларини жойлаштириш ва қарз олди-бердисини амалга ошириш бўйича бош келишувлар имзоланди.

Марказий банк талабларига мувофиқ, шунингдек баланснинг ликвидлиги ва даромадлилигини самарали бошқариш мақсадида доимий фаолият кўрсатувчи Банкнинг активлари ва пасивларини бошқариш қўмитаси ва Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси ташкил қилинган, банкнинг ликвидликни бошқариш бўйича сиёсати, капитални бошқариш бўйича сиёсати, депозит сиёсати, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича сиёсати, нарх сиёсати, банклараро пул бозорида операцияларни ўтказиш учун банк-контрагентларга лимитларни белгилаш тартиби, банк-контршериклар учун лимитларни аниқлаш методикаси, СВОП операцияларни амалга ошириш тартиби ва б.лар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган.

Банкни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ банклараро пул ва валюта бозорида банк операцияларини чуқурлаштириш доирасида келгуси йилда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- Reuters ва Bloomberg каби молия институтларининг савдо ва ахборот платформаларига уланиш орқали замонавий дилинг марказини ташкил этиш имконини таъминлайдиган пул ва валюта бозорларда операцияларни амалга ошириш соҳасида банкнинг инфратузилмасини ривожлантириш;

- конвертация, банкнот битимлари соҳасида мижозларга жозибадор банк хизматларини таклиф қилиш орқали хизматлар ҳажми ва турларини кенгайтириш;

- банклараро депозитларни жойлаштириш ва жалю қилиш, конверсия ва банкнот битимлар соҳасида контрагент банклар билан ўзаро ҳамкорликни янги даражага кўтариш;

- Республика валюта биржасининг савдо тизими орқали бошқа банклар билан валюта СВОП операцияларини амалга ошириш;
- чет эл валютадаги активларни диверсификация қилиш ва уларни вакиллик банкларда самарали жойлаштириш учун валюталар курси мониторингини амалга ошириш;
- миллий валютадаги банклараро депозитларининг юқори даромадлигини таъминлаш;
- бозор конъюнктураси ўзгаришига боғлиқ равишда бошқа тадбирларни ўтказиш.

Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият

Халқаро фаолиятини кенгайтириш борасида банк томонидан 2014 йилда вакил банклар тармоғини кенгайтириш, халқаро молия институтлари билан кредит линияларини жалб этиш юзасидан алоқа ўрнатиш ва банкнинг халқаро кредит рейтингини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ютуқларга эришилди.

Бугунги кунга келиб банк дунёнинг етакчи банклари билан, жумладан DBS (Сингапур), Kookmin Bank (Корея), UBS (Швейцария), Bank of China (Хитой) df Agricultural Bank of China (Хитой) билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. 2014 йилнинг 1 январь холатига банкнинг вакиллик ҳисобварақларининг умумий сони 53 та Ностро ҳисобварағини ташкил қилиб, улар бешта маҳаллий ва ўн саккизта хорижий банкларда очилган.

2014 йил июль ойида Landesbank Berlin AG билан узоқ муддатли экспорт лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кредит келишуви имзоланган. Шунга ўхшаш кредит келишувини Германиянинг бошқа Landesbank Baden-Wurtemberg банки билан ҳам имзолаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу чоралар мижозларининг технологик ускуналарни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳалари бўйича имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга қаратилган.

Банклар билан вакиллик алоқаларини ўрнатишда шерикларнинг ишончлилиги, банк мижозларининг манфаатлари, халқаро ҳисоб-китобларнинг сифатлилиги ва тезкорлиги каби талабларнинг устуворлиги сақлаб қолинмоқда. Етакчи банклар билан вакиллик алоқаларининг ўрнатилиши халқаро ҳисоб-китобларни ўтказиш, савдони молиялаштириш операцияларини, халқаро пул ўтказмалари хизматини ривожлантириш бўйича банк фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек банкнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш имконини яратди.

2014 йилда халқаро пластик карталар соҳасида банк фаолиятини кенгайтириш доирасида банк томонидан China UnionPay (Хитой) халқаро пластик тизими билан ҳамкорлик йўлга қўйилди ва MasterCard (АҚШ) халқаро тўлов тизимига аъзо бўзлиш бўйича иш давом эттирилади. VISA халқаро тўлов карталари билан бир қаторда, MasterCard ва China UnionPay пластик карталарини ишлатиш даромадларни ошириш ва банк мижозларига ушбу соҳада қўшимча қулайликлар яратиш имконини беради.

Вакил-банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бундан кейин ҳам банк фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Келаси йилда вакил-банклар тармоқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва банкнинг халқаро фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек банкнинг халқаро

молия майдонидаги мақомини мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги тадбирлар белгиланган, жумладан:

- ҳар бир вакил-банкнинг рақобат бўйича афзал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий шерик банклар билан ҳужжатли, депозит, форек операциялари бўйича ўзаро манфаатли ва комплекс ҳамкорликни, шунингдек бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштириш;

- кичик бизнесни молиялаштириш учун узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш, шу жумладан ХСРИСнинг молиялаштириш линиялари ҳамда савдони молиялаштириш соҳалари маблағларини жалб этиш мақсадида хорижий банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва чуқурлаштириш бўйича ишларни давом эттириш;

- банкнинг ва банк ходимларининг хорижий банклар, халқаро молия институтлари, «The Banker», «Global Finance», «Euromoney» ва бошқа нашрлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этиладиган турли халқаро банк кўргазмаларида, анжуманларида, семинарларида, тажриба алмашувида ва танловларида иштирокини таъминлаш;

- банк кредит рейтингини мунтазам янгиланиб туришини таъминлаш мақсадида халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни давом эттириш.

Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар

Банкнинг асосий стратегик вазифларидан бири банкнинг юқори самарали филиаллар тармоғини яратишдан иборат. Бу эса унинг пойтахтдаги бозор мақеининг мустаҳкамланишига ва республика минтақаларида ўз фаолиятини кенгайтиришга мустаҳкам асос яратиб бериши зарур. Янги филиал бўлинмаларини ташкил этиш мижозлар базасининг мустаҳкамланиши, натижада банк инфратузилмасининг фойдаланувчиларнинг кенг қатламларига яқинлашиб бориши учун, шунингдек банк бизнесининг диверсификацияланиши учун хизмат қилади.

Бугунги кунда банкнинг тижорат тармоғи банкнинг Бош офисидаги Амалиёт бошқармасини, Шайхатоҳур, Олмазор, Мирзо Улуғбек, Миробод ва Қарши филиалларини, 9 та минибанкни ва 13 та махсус кассаларни ўз ичига олади. Минбанклар ва махсус кассалар йирик корпоратив мижозларнинг биноларида мижозларимиз ва ходимлар учун максимал қулайликлар яратиб бериш мақсадида очилган. 2014 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳар Миробод туманида банкнинг янги Миробот филиали муваффақиятли очилди.

Банкни ривожлантириш стратегияси доирасида филиаллар фаолиятнинг самардорлигини мониторинг қилиш бўйича 2014 йилда филиалларнинг бизнес параметрлари, молиявий коэффицентлари ва сифат кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қилиш йўли билан банк филиаллари рейтингини аниқлаш ва бериш тартиби ишлаб чиқилди. 2014 йил 9 ойи учун филиаллар фаолияти яқунлари бўйича филиалларнинг дастлабки рейтинг баҳолари тайёрланди ва кейинги йилнинг 1 январидан филиалларнинг рейтинг баҳолашни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Рейтинг натижаларини филиаллар фаолиятини тезлаштириш ва уларнинг ходимларини рағбатлантириш жараёнида қўллаш назарда тутилган.

Филиаллар тармоғини ривожлантириш ва Ўзбекистон ҳудудида хизматлардан максимал фойдаланиш мумкинлиги тамойилини амалга ошириш банкнинг келгуси йилларга энг муҳим вазифаси бўлиб қолади. 2015 йилда алоҳида

эътибор филиаллари фаолиятининг барқарор ва сифатли ривожланиб боришини, уларнинг рақобатбардошлилигини ва мухториятини таъминлашга қаратилади. Хусусан, филиалларнинг муддатли ва барқарор ўз ресурс базаларини яратиш бўйича ишларни юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ва улар томонидан депозит сертификатларини реализация қилиши ҳисобига фаоллаштириш, шунингдек чакана операцияларни ривожлантириш орқали филиаллар даромадларининг манбаларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бир қаторда, очилиган мини-банклар ва бошқа чакана хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ўз-ўзини оқлашини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда янги банк хизматларини жорий этиш, маркетинг ва мижозлар билан ишлашни янада фаоллаштириш, ходимларнинг ҳамда мутасадди бўлинмаларнинг меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш орқали банкнинг чакана хизмат бўлинмаларининг рентабеллигини юксалтириш кўзда тутилмоқда. Филиаллар ва чакана сотиш шохобчаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини яратиш, фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича ҳар хил танловлар ва мусобақаларни ташкил этиш йўли билан филиаллар фаолиятини рағбатлантириш мўлжалланмоқда.

2014 йилда банк корпоратив блоки безнесини ривожлантиришда яхши натижаларга эришди. Банкдаги корпоратив мижозларнинг депозит базаси 2015 йил 1 январига 510 млрд. сўм миқдоридан кутилмоқда. Корпоратив мижозларнинг муддатли ва омонат депозитлари банк муддатли ресурс базасининг асосий қисмини таъминлаб беради. 2014 йил 1 октябрь ҳолатига корпоратив мижозларнинг муддатли депозитлар қолдиғи 158 млрд. сўмни ташкил қилди, омонат депозитлар – 30 млрд. сўм. Уларнинг банкнинг муддатли қарз ресурс базасидаги ялпи улуши 71 фоизни ташкил қилди.

2015 йилда банк хизматларининг корпоратив блокани ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Бунда асосий эътибор мавжуд мижозлар билан ўзаро муносабатларни жадаллаштиришга, шунингдек банк филиаллар таромиғини кенгайтириш доирасида янги корпоратив мижозларни жалб этишга қаратилади.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишнинг асосий тамойиллари мижозлар учун максимал қулайликларни яратишдан, фақат уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлашдан, хизмат кўрсатиш учун сарфланаётган вақтни қисқартиришдан, операцияларни ўтказиш вақтини тезлатишдан, банк операцияларининг хавфсизлигини ва махфийлигини юксак технологиялар ва инновацияларни қўллаш, хусусан мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тадбирларини кенг жорий этиш, шунингдек мулойим тарифларни қўллашдан иборат

2015 йил давомида корпоратив мижозларнинг депозит маблағлари қолдиғини 30 фоизга ўстириш кўзда тутилмоқда.

Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш

Чакана банк хизматларини кўрсатиш банк фаолиятининг устивор йўналишларидан бири сифатида кўрилади. Ривожланган чакана бўғимини яратиш банкка ўз кредит ва депозит операцияларини, фоизли ва комисион даромадларини диверсификациялаш имконини яратади ва шу орқали молявий тавакалчилик хатарлари пасаяди. Бундан ташқари, чакана хизматлар бўғими чакана операцияларнинг нисбатан даромадли эканлиги билан ҳам истиқболли соҳа ҳисобланади.

2015 йилда чакана хизмат соҳасини ривожлантириш доирасида хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ва бозорда талаб катта бўлган оммавий маҳсулотлар ва сифатли сервисни ривожлантириш, хусусан омонатларнинг, кредитларнинг, пул ўтказмаларининг ва пластик карта бизнеси соҳасидаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Банкнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ 2015 йилда банкнинг чакана блокинни жадал ривожлантириш, мижозларга комплексли хизмат кўрсатиш замонавий марказларини яратиш йўли билан сотиш каналларини ривожлантириш ва кенгайтириш, мижозларни анъанавий банк бўлинмаларидан босқичма-босқич онлайн платформаларига ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаларига, шу жумладан Сіс тизимини кенг жорий этиш йўли билан ўтказиш, стандарт ва талаб кучли бўлган кредит маҳсулотларини, мижозлари учун жозибадор ва ҳамisha очик чакана хизмат турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини ва стандартларга мувофиқлигини ошириш орқали чакана фаолиятни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҶАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Банк барқарорлигини ошириш ва хатарларини бошқариш чоралари

Банк хатарларини бошқаришнинг самарали ишини ташкил этиш банк барқарор фаолиятини таъминлаш, активлар юқори сифатини сақлаб қолиш, унинг молиявий турғунлиги ва рентабеллигининг юқори кўрсаткичларига эришишнинг энг муҳим шарт сифатида кўрилади.

Банкда таваккалчиликларни бошқариш бўйича махсус таркибий бўлинма фаолият кўрсатиб келмоқда, Банкнинг таваккалчиликларни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилган бўлиб, у қабул қилинаётган хатарлар ва банк операцияларининг даромадлилиги ўртасида энг мақбул мувозанатни сақлаб туриш учун баҳолаш ва мониторинг қилиш, ҳажм ва концентрацияни назорат қилиш методларидан иборат. Банкнинг коллегиял органлари (Банк Бошқаруви, Банк таваккалчиликларини назорат қилиш қўмитаси, Активлар ва пасивларни бошқариш қўмитаси, Кредит қўмитаси, Инвестициялар қўмитаси, Аудиторлик қўмитаси) ва таркибий бўлинмалари ўртасида ваколатлар, шу жумладан ўз вақтида ахборот алмашинуви ва таҳлил қилиш, банк олдида қўйилган вазифаларни мунтазам бажарилишини таъминлаш бўйича ваколатлар тақсимланиши ташкил қилинган.

Банк хатарларини доимий асосда бошқариш орқали банк хатарларини идентификация, мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш амалга оширилади. Банкка таъсир қилувчи хатарларнинг кенг кўламини ҳисобга олиб, эҳтимолдаги зарар кўриш даражаси бўйича энг муҳими деб кредит, бозор хатарлари, ликвидлик ва операцион хатарлари ҳисобланади.

2015 йилда банкнинг молиявий турғунлигини янада ошириш ва хатарларни бошқариш бўйича ишларни такомиллаштириш доирасида 2011-2015 йилларда Республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича комплексли чора-тадбирларида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарорининг 1-сон Иловасига биноан тасдиқланган) белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ ишларни олиб бориш режалаштирилган бўлиб, улар барча эҳтимолдаги омиллар ва хатарларни ҳисобга олиб инвестиция лойиҳаларнинг сифатли экспертизасини таъминлаш, Базел 3 янги тавсияларига ўтиш, банкда хатарларни бошқариш, ички назорат ва ахборот хавфсизлиги тизимида энг замонавий технологиялар ва дастурий таъминотни жорий этиш ва кенгайтиришларни назарда тутди.

Ички назорат тизими

Банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги 660-II сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига, бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Банкда ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланган Ички назорат бошқармаси фаолият кўрсатиб турибди, банк Кенгаши томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички қоидалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

2014 йилда Марказий банк бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти қарори билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида янги Қоидаларни қабул қилиш доирасида (ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 21 ноябрда 2528-сон билан рўйхатдан ўтказилган) банкнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар ва қоидаларига, шунингдек янги қоидалари талабларидан келиб чиқадиган мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ички банк жараёнларига тегишли ўзгартириш киритилган.

Келгуси йилда ҳам ички назорат тизимининг самарали ишини ташкил этиш бўйича ишлар давом эттирилади. Ички назорат бўлинмаси ишининг самарадорлигини янада ошириш ишларини давом эттириш, шунингдек автоматлаштирилган тизимнинг IABS ва “Ички назорат” кичик тизимларининг имкониятларини ва таҳлилий салоҳиятини ошириш режалаштирилмоқда.

Ахборот технологиялари

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг бош мақсади банкнинг барқарор фаолият иш юритишини ва турғун ривожланиб боришини таъминлай оладиган замонавий АТ-технологиялари тузилмасини яратишдан иборат. Банк ахборот банкнинг беқиёс рақобатбардошлик афзалликларини технорлогиялари ривожлантириш асосий стратегик вазифаларни бажаришга, банк ички иш жараёнларининг автоматлаштирилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, банк хизматларига замонавий АТ-технологияларни жорий этишдан иборат. Банки ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборот технорлогияларини банкнинг беқиёс рақобатбардошлигини шакллантиришнинг турғун манбаларидан бирига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Банкда ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида 2015 йилга қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- банкнинг ва филиалларнинг АТ-инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш, хусусан ускуналар паркини янгилаш, таҳлилий тизим учун сервер ускунасини харид қилиш ва ўрнатиш;

- банкнинг бизнес жараёнларини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга ахборот технологияларини кенг жорий этиш, жумладан банкнинг АБС тизими учун янги дастурий маҳслотларни ва иловаларни ишлаб чиқиш орқали бизнес-бўлинмаларнинг ишини енгиллатиш ва жадаллаштириш, уларнинг банк хизматларини тақдим этишдаги ишчанлик, очиқлик, тезкорлик, хавфсизлик, узлуксизлик сифатларини кучайтириш;

- “Фидо бизнес” билан мижозларга хизмат кўрсатиш учун вақтинчалик чекловларни олиб ташлаш йўли билан ҳамда бюджет ва жорий этиш жадвалларини кўрсатган ҳолда, банк ва рақобатдошлик афзалликларни ошириш бўйича давомли операция куни сақлаб турилишини назарга оладиган ИАБС 24x7 ва ИАБС Retail лойиҳаларни ишга тушириш бўйича ҳамкорлик қилиш;

- юридик ва жисмоний шахслар учун масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, хусусан “CLICK” тизимини ривожлантириш бўйича чораларни кўриш;

- Банк веб-сайтини ривожлантириш ва янги йўналишларини жорий этиш, шунингдек унинг замоанвий талабларга жавоб беришини таъминлаш;
- мижозлар билан ўзаро иш муносабатларни ва банк ходимларини бошқаришни такомиллаштириш учун CRM-тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;
- банк фаолиятини мониторинг ва башорат қилиш учун таҳлилий тизимни жорий этиш ишларини олиб бориш.

Банк ходимларини камол топтириш

Банк жамоаси банкнинг асосий бойлиги ва рақобатбардошлик афзаллиги ҳисобланади. Ходимларни бошқариш тизимининг асосий мақсади банкнинг интеллектуал капиталини самарали бошқариш ва ривожлантиришдан, мутахассислар жамоасини банк стратегиясини оптимал харажатлар шароитида амалга оширишга қодир бўлган ишчанлик даражасида тутишдан, ходимларнинг хусусий ва банк манфаатларини уйғунлатиришга йўналтирилган касбий салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2015 йилда банкнинг ходимлар салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги чор-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган;:

- банк Бош фойсани ва филиалларини банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малкали мутахассислар билан ҳам, худди шу каби келгусида ўсиш истиқболига эга бўлган ёш битирувчилар билан ҳам тўлдириб бориш;

- ўқитишнинг янги технологияларини қўллаган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг республикадаги йўналтирилган ўқув юртларида таълим олишини, шунингдек турли маҳаллий/халқаро тренингларда, дастурларда, семинарларда иштирок этишини уюштириш;

- банк операцияларига ихтисослашган ўқув марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали аудиторларнинг малакасини доимий ошириб бориш;

- касбий билимларни ошириш билан бир қаторда ходимларнинг шахсий хусусиятларини, жамоада аҳил ишлаш сифатларини ривожлантиришга қаратилган тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- маркетинг, услубий ишланмалар ва МҲХСни жорий этиш соҳасида ходимлар салоҳиятини ошириш, ушнингдек уларни янги банк хизматларини ривожлантириш ва жорий этиш ишларига фаол жалб қилиш;

- лавозим мажбуриятларни бажаришда ва банк сирига риоя қилишда банк ходимларининг касбий этикаси ва масъулиятини ошириш;

- қўйилган мақсадларга эришида ва вазифаларни бажаришда пировард натижага интилишни рағбатлантириш учун ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2015 йилда асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор динамиксига эришиш кутилмоқда. 2015 йилга банк фаолияти асосий кўрсаткичларининг прогноз

кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2010 йилдаги 1438-сон Қарорини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган 2011-2015 йилларга «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ фаолиятини ривожлантириш ва юқори рейнинг кўрсаткичларига эришиш Режа – чора-тадбирларига мувофиқ тузилган.

Фаолият миқёсини кенгайтира борар экан, банк ўзи молия бозорида эришган мавқеларни сақлаб қолишга ва кредитлаш ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Айни чоқда, Банк баланси ва даромадлари тузилмасини сифат жиҳатдан ўзгартиришга алоҳида эътибор ажратилади. Бунда банк фаолияти энг муҳим кўрсаткичларининг халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган ҳамда янги Базель келишувина мувофиқ келадиган оптимал нисбатига эришиш бош вазифамиз этиб белгиланган. Банк операцияларини кенгайтиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тавсия этилган банк тизимининг юқори даражадаги молиявий турғунлигини таъминлаш бўйича иқтисодий меъёрларни сўзсиз бажаришга қаратилади.

Банкнинг капитал базаси асосан банк ички манбалари ҳисобига, бошқача айтганда, банкнинг соф даромадини капиталлаштириш ҳисобига ўсиб боради. Заём ресур базасини шакллантирилиши юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамғармаларга жалб этиш, банкнинг қарзга оид қимматли қўғозларини чиқариш орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган таомийиларни ҳисобга олган ҳолда Бизнес-режага банк фаолиятининг истқбол кўрсаткичлари илова қилинмоқда.

ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ (минг сўмда)

| Кўрсаткичлар номи | 01.01.2016 й. |
|---|----------------------|
| АКТИВЛАР | |
| Қассадаги нақд пул ва б. тўлов ҳужжатлари | 38 620 421 |
| ЎРМБ даги ва бошқа банклардаги пул маблағлари | 513 552 249 |
| Олди-сотди учун инвестициялар ва қимм. қоғозлар | 6 540 700 |
| Кредитлар, соф | 441 009 163 |
| Бошқа активлар | 30 241 240 |
| Жами активлар | 1 029 963 773 |
| ПАССИВЛАР | |
| Жами депозитлар | 745 229 410 |
| Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар | 58 600 000 |
| Банкнинг қарзга оид қимматли қоғозлари | 42 550 000 |
| Бошқа мажбуриятлар | 5 406 858 |
| Жами мажбуриятлар | 851 786 269 |
| Акциядорлик капитали | 178 177 505 |
| Устав капитали ва қўшилган капитал | 127 634 698 |
| Заҳира капитали | 9 128 818 |
| Тақсимланмаган фойда | 41 413 989 |
| Жами мажбуриятлар ва капитал | 1 029 963 773 |

ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ (минг сўмда)

| Кўрсаткичлар номи | 01.01.2017 й. |
|--|-------------------|
| Фоиз даромадлари | 67 196 958 |
| Фоиз харажатлари | 30 734 406 |
| Фоизсиз даромадлар | 79 825 607 |
| Фоизсиз харажатлар | 9 329 290 |
| Амалиёт харажатлари | 49 844 686 |
| Суда ва лизинглар бўйича эҳтимолдаги зарар | 5 077 114 |
| Даромад солиғини баҳолаш | 11 968 526 |
| СОФ ФОЙДА | 40 068 543 |